



Партия сафлари мустаҳкам бўлсин

ҚАЙТА ҚУРИШ КАДРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент вилояти партия ташкилоти ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бугунги кунда Тошкент тўғрисидаги комбинатда ҳам партия сафларини мустаҳкамлаш учун белгилаган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида партия комиссиясида 76 нафар тўқинчи-коммунистнинг иши қўрилди. Уларнинг 43 нафари партия аъзоллигига, 33 нафари эса КПСС аъзоллигига кандидатликка қабул қилинган эди.

Корхона партия комиссияси бошланғич ташкилотларда бўлиб ёш ишчилар билан ўтказилган суҳбатларида энг аввало мана шу масъулиятли вазифани ўз олдларига қўйдилар.

2-Игирув-тўқув фабрикасининг сьёмкачиси Салиха Қурбонова ҳам деярли бир йил давомида партия резервда ўзини синдириди. Ишлаб чиқариш планларини 130 процентга адо этиш билан бирга, жамоат ишларида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди.

Ф. ҲУСАНОВА, «Тошкент оқшоми» мухбири.

етақчисига нисбатан талабчанликни янада ошириб бориш керак, деган қатъий қарорга келдилар.

Бош механика бўлими назоратчиси Малоҳат Орифхўжаева ҳам 3-Игирув фабрикасининг резерв гуруҳасидан тасвирга эгилган. Урта мактабни тугатиб, корхонада иш бошлаганига кўп бўлмаган ёш назоратчи ташаббускорлиги, принципиаллиги билан фабрикада танилди.

Еш мутахассисларга эътибор, улар билан олиб бориладиган тадбирлар корхонада муҳим ишларни соҳанинг кўлайлигига ёрдам бериши мумкин.

Кўп ўтмай фабрика маъмурияти Шавкатга ҳақ бешлиги вазифасини ишониб топширди. Анчадан бери давом этиб келаётган қишлоқликдан сўнг неч бичирича янги оқшом планини удралашга эришти. Олти ойдинки, Ш. Жонибов раҳбарлик қилаётган маъмурият коллективлари қаторидан жой олди.

Комбинат партия комиссияси ўз фаолиятида активлик, талабчанлик ва партиявий жанговарликни вазифа қилиб олган, — дейди комбинат партия комиссиясининг раиси С. К. Қаримова.

Ф. ҲУСАНОВА, «Тошкент оқшоми» мухбири.



Тошкент санитария-техника ишхоналари экспериментал заводининг 1-цехида слесарь-сантехник Зуфар Сулеймонов ўз ишига фидойиллиги, талабчанлиги билан ажралиб туради. Шу кунларда у бригадалардан бирига етакчилик қилмоқда.

Акс садо

«Қандай маршрут зарур?»

«Тошкент оқшоми», 1988 йил 29 декабрь

Биз, «Қорақамиш — 2/4» массивиде яшовчи аҳоли ўнлаб йиллардан буён Фрунзе району билан боғловчи транспортни орозу қиламиш.

Метрополитен линиялари қурилиши асосан ер усти транспорти сарқатнов, маршрут рутлар кўп бўлган жойлардан ўтмоқда.

Мамлакатимизнинг кўпгина йирик шаҳарларида, жумладан Москвада аэропортлар шаҳардан анча узоқда жойлашган.

Ислохотда тугатилган 47-маршрут йўлини ўзгартиришни ноқулай деб ўйлашимиз. Чунки, бизни «Москва» меҳмонхонаси, Чорсу мейдони билан боғлайдиган ягона маршрутимиш ана шу.

«Тошкент оқшоми»да чиққан «Қандай маршрут зарур?» мақоласини диққат билан ўқиб чиқдим. Назаримда умуман маршрутлар, графикалар тўғри тўзилган.

Бизнинг Тошкентимизда эса «Хаво дарвозаси» шаҳар йўлида жойлашган. Шундай бўлса, аэропортлар (Москвада улар тўртта) орасида, шунингдек шаҳар марказидан ва темир йўл вокзалларидан аэропортларга ҳамда қарама-қарши йўналишда қатновчи транспорт маршрутлари ташкил этилган.

Шу ўринда яна бир фикримизни ўртоқлашмоқчи эдик.

Ҳамза номидаги Ленин ордени Узбек Давлат академик драма театри директорининг ўринбосари.

Б. ПАЗЛИЕВ.

Жаҳон шаҳарларида

СОФИЯ. «Аэрофлот» ва «Балкан» — Совет Иттифоқи ҳамда Болгариядаги бу авиокомпаниялар номи бутун дунёга маълум.

ПЕКИН. Хитойда сўнгги йилларда темир йўл тармоқлари тез кенгайиб бораётганиги локомотивлар ишлаб чиқариши анча кўпайтиришни талаб этди.

Кучли, тезоравар ва тежамкор тепловозлар ҳамда электровозлар ишлаб чиқаришни ялдан йилга кўпайтираётган Хитой тепловозлар ишлаб чиқариши сектори-аста кемайитирмоқда.

Аҳолининг қаршини умумжаҳон ҳодисаси бўлиб қолди. Нью-Йоркда тарқатилган БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльярнинг доқдадада ана шу фикр ташкилланган.

1950 йилда, деб таъкидланади ҳужжатда, жаҳонда олтинмиш яшар ва бундан ҳам қариқоқ кишилар 200 миллион эди, бу эса аҳолининг 8 процентини ташкил этган.

1950 йилдан 2025 йилгача 75 йил мобайнида гарчи жаҳондаги аҳоли умуман фақат уч қарра кўпайса ҳам, қариялар сони олти баравар ортади.

ТАСС.



Малайзия Федерацияси Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган бўлиб, Малакка ярми оролининг жанубини ва Калимантан оролининг шимолий қисмини эгаллайди.

Малайзия ўз тараққиётида мустақиллик учун курашининг машаққатли йўлини босиб ўтди. У аввалига Португалия, сўнгра — Голландия, 1824 йилдан бошлаб эса Англия зулмини бошдан кечирди.

Малайзия Федерацияси 1963 йилда эълон қилинди. У Британиянинг собиқ Малайя, Саравак, Себаха территорияларидан ташкил топди.

Ҳозирги вақтда Малайзия конституцион монархия бўлиб, у Буюк Британия бошчилигидаги ҳамдустликни киратиб, Федерация ташкил этилиши билан мамлакат тараққиётининг янги босқичи бошланди.

Малайзия Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатган.

ТАСС фотохроникеси.

ШАМОЛ ТЕГИРМОНЛАРИ ҲАҚИДА

Шамол тегирмонлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар XII асрда тўлиқ олинди. Аста-секин шамол тегирмонлари барча мамлакатларга ва қитъаларга тарқалди.

ҚАРОҚЧИЛАРГА ТУЗОҚ

Индонезия ҳарбий-денгиз кучлари қўсоғли денгиз қароқчиларига қаршини курашида сув ости кемадан кенг фойдаланиш ниятида.

Ф. РАҲИМОВ, 3. Соколов фотолари.

Масъулиятни унутганлар

(Фотоайбнома)

«ҚИШ — синов дарви». Ушбу жумлани ҳар йил куз фаслида тез-тез эшитамиз. Чунки айнан шу даврда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида йилнинг энг масъулиятли ва оғир палласига тайёргарлик қўрилади.



Лекин бу фақат масъулиятсизликмики? Назаримизда бу фақат ўз хизмат вазифасига нисбатан масъулиятсизликки бўлмай, шунингдек бу инсон қадр-қиммати ни ерга уриш, одамийликни оёқ ости қилиш ҳамдир.



Янгигина ремонтдан чиққан уйнинг ҳамма хоналари шифтидан росмана ёмғир ёққандек чакка ўтади. Хонадон эгаси М. Тиллаева бутун уй бўйлаб турли ҳажмдаги шина идишлар, тоғора, челик, настурлоқлар қўйиб кун кечирмоқда.

Иккинчи сурат 3-уйдаги 1-қаватда олинган. Уйнинг ертўласида 5—10 йилдан бери тўпланиб ётган иссиқ ва совуқ сувлар охири квартирадаги пол тахталарини ҳам чирийтиб юборди.



Албатта, шу ерда гапга нуқта қўйса ҳам бўларди-ю, бироқ бизни бир нарса ўйлантирмоқда. Нима учун харидор ҳақидан 30—40 тийин уриб қолган сотувчининг жиноий жаовбарликка тортиб, қамаб юбориш мумкин-у, давлатнинг юз минглаб сўмини қурилган уйлари хараб қилаётган кимсалар нарз бора ҳайфсан оладилар.

рур бўлган иссиқлик эса ҳавога учмоқда.

Ачинарлиси шундаки, аҳоли иситиш системаларини ремонт қилишни илтимос қилиб 21-ЖЭОга мурожаат қилишса С. Иксанова ҳам, унинг бошлиғи ва «устози» Т. Д. Ноговицка ҳам доимо батарея йўл, қувур йўқ деб баҳона қилишади.

Албатта, шу ерда гапга нуқта қўйса ҳам бўларди-ю, бироқ бизни бир нарса ўйлантирмоқда. Нима учун харидор ҳақидан 30—40 тийин уриб қолган сотувчининг жиноий жаовбарликка тортиб, қамаб юбориш мумкин-у, давлатнинг юз минглаб сўмини қурилган уйлари хараб қилаётган кимсалар нарз бора ҳайфсан оладилар.

Мана бу суратларни жамоатчи фотомухбиримиз З. Соколов Акмал Икромов райондаги 24-қаватдан олиб келган.

Мана бу суратларни жамоатчи фотомухбиримиз З. Соколов Акмал Икромов райондаги 24-қаватдан олиб келган.

Мана бу суратларни жамоатчи фотомухбиримиз З. Соколов Акмал Икромов райондаги 24-қаватдан олиб келган.

Мана бу суратларни жамоатчи фотомухбиримиз З. Соколов Акмал Икромов райондаги 24-қаватдан олиб келган.

Мана бу суратларни жамоатчи фотомухбиримиз З. Соколов Акмал Икромов райондаги 24-қаватдан олиб келган.



Дўст билан обод уйинг

ССР Иттифоқи барча халқлари эркин тараққиёти ва равноқ топишининг, Ватанимиз қудрати мустақамланишининг негизи бўлиши совет жамиятининг жипслигига хизмат қиладиган ҳамма омилларни эҳтиёт қилиб асраш, кўпайтириш ҳар бир гражданин, ҳар бир коммунистнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчидир.

Интернационализм — байроғимиз

МЕН учун ССР Иттифоқи составида озодликка, тенгликка эришган халқларимизнинг бузилмас дўстлиги муқаддас туйғудир. Совет ҳокимияти эҳдиғина тугилди оёққа туратган оғир давларда мен Урта Осиёнинг революцион маркази Тошкентда эдим. 1926 йилда Хўжаанд округ комсомоли мени, ёш комсомолини Тошкентга, ўзини-ўзини жўнади. Кейин мен ВЛКСМ Урта Осиё ўлка комитетининг бошқарувида коммунист ташкилотининг ўлка бюросида ишладим, узоқ йиллар «Вождий» журнаliga редакторлик қилдим. Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети аъзоллигига сайландим.

Шундан сўнг комсомол мени Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари Совети ҳузуридаги совет курилиши ва ҳуқуқ институтига жўнади. Уни тугатгач шу ернинг ўзида ассистент, доцент, институт директорининг ўринбосари бўлиб ишладим. Тошкент юридик институтига ўн саккиз йил директор ўринбосари, директор вазифасини бажардим. 1945 йил Москвада кандидатлик, орадан тўрт йил ўтгач эса Урта Осиёлик олимлар орасида биринчилардан бўлиб докторлик диссертациясини ёқладим. Шу йили коммунист бўлдим. Илмий ишнинг мавзуси Совет давлати ва ҳуқуқнинг назарияси ва тарихи эди.

Тошкентда жуда кўп монографияларим чиққан. Уларда мен рус халқининг Урта Осиё халқлари ҳаётидаги роли, Совет Ўзбекистонда биринчи ишчи-деҳқон давлатининг ташкил топиши, феодализмдан социализмга ўтишдаги қонуниятларни очиб берганман. Ўзбек олимлари орасида кўплаб шогирдларим бор. Фалсафа фанлари доктори Х. Воҳидов, тарих фанлари доктори Х. Иноатов, юридик фанлари доктори М. Ҳақимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда менинг камтарона меҳнатимни юксак қадрлаб иккита «Хурмат Белгиси» ордени, учта медал, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг учта Фахрий ёрлиғи билан тақдирлашган.

Она юртим Тожикистонга қайтганимга ҳам кўп бўлди. Бу ерда В. И. Ленин номидаги Тожикистон университетида бўлдим. Ҳозир эса республика Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўлимини ҳамда Тожикистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг давлат ва ҳуқуқ бўлимининг бошқарувидаман. Ҳаётим воқеаларга бўлиб бўлди. Биринчи Ўзбекистонда ўнлаган йилларимни доимо қувонч ва алоҳида бир меҳр билан ёдга оламан.

Оталаримиз бизнинг авлод вақилларини интернационализм совет халқлари ҳаётида мустақам ўрин олиши учун кўп иш қилишди. Урта-индин Тошкентда бошландиган Урта Осиё республикалари ва Қозғистон пойтахтларининг биринчи дўстлик фестивали арафасида ҳам бизини нима бирлаштирганини, миллионлаб турли миллат вақиллари граждандар ва Улуғ Ватан уруши йилларида уларини нима учун қурбон қилганликларини ёдга оламиз.

С. РАЖАБОВ,

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

Абдурахмон ЖОМИЯ

Қитъалар ва рубойлар

Паст пастиничка қолур агар току тахт, Мартаба берса-да, қилса-да султон. Хас хаслиничка қолур, уни гирдибод, Баланд кўтарса-да осмон томон.

Бадахшондан чиқар чақмоқ дурашон, Дил афғоринга тушай юз зиб-нур. Кўзини ёшига туяса шуъласи гар, Тўнилан қатралар гавҳар кўринур.

Тезроқ қайт дил дардон бўлди гамингдан, Сабр кўйлагин чок-чок бўлди гамингдан. Қон билан аралаш ерга қорилдим, Бу ошигинг ҳалок бўлди гамингдан.

Душанба—Тошкент рейси



Ўзбекистон ва Тожикистон пойтахтларининг азалий дўстлик ришталари боғлаб турибди. Бу дўстлик тарихи асрлар қаърига бориб тақалади. Тожикистон граждандар авиациясининг тарихи ҳам Тошкент билан чамбарчас боғланган. 1923 йилнинг июлида Москвадан Тошкентга Урта Осиё ҳаво йўлларини эксплуатация қилишга тайёрлаш учун дастлабки мутахассислар келишганди. Биринчи авиоинженерлардан бири Бухоро—Термиз—Душанба трассаси эди.

1924 йилнинг сентябрда Душанбага биринчи самолёт қўнганди. Орадан бир ой ўтгач эса Душанба—Тошкент авиалиниисада самолётларнинг мунтазам қатнови бошланганди. Пассажирлар Душанбага етиб келиш учун 10 соат учинарди. Чунки у пайтда ҳали самолётлар ҳозиргидек кўдратли эмасди ва тоғлар устидан ўтолмасди. Шунинг учун ҳам аввал Термиз ва Самарқандга, сўнг Душанбага учи-

Тараққиёт йўлида

«СССР 50 йиллиги» номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив бугун ҳўжалик ҳисоби шариоатида меҳнат қилапти. Янги иш методи корхона тикувчиларини мавжуд резерв ва имкониятлардан умумли фойдаланишга сафарбар этипти, бирлашма тиклаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириб, уларнинг эъло сифатини таъминлашга интиломоқда. Илгор тақрибта методларини оммалаштириш, янги технологик линияларни фойдаланишга топиштириш бугунги кунда ўз самарасини берапти.

Янги моделларни бичишда Германия

Федератив Республикасидан келтирилган техникадан фойдаланилляпти. Мазкур техника келгусида бирлашмада асарият қўл меҳнатига ўрин қолдирмайди.

Бирлашма маҳсулотларини харидорларга юборишда техник назорат бўлими ходимларининг масъулияти ниҳоятда катта. Улар савдо тармоқларига фақат юқори сифатли кийим-кечакларни юборишга муваффақ бўйлаптилар.

СУРАТДА: янги бичиш техникаси; техник назорат бўлими ходими Л. Аҳмедова.

В. Корнев фотоси.



Ҳамкорлик уфқлари

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Душанба пахтачилик бирлашмаси ўртасида тўқимачилик ишлаб чиқаришидаги янги техникани ўзлаштириш юзасида ҳўжалик ва ижодий шартнома тузилганига қарий икки йил бўлди. Тўқимачилик ишлаб чиқаришини диққат билан ўрганиб чиққан ўзбек олимлари тайёрлов ҳеҳидига теҳнологик жараёнга бир неча ўзгаришни киритишни таклиф этишди. Душанбалик тўқимачилар қардошлар маслаҳатига қўлоқ солишди. Натигада тўқилаётган матоларнинг сифати анча яхшиланди, ип узлиши қисқарди.

— Бу ҳамкорлигимизнинг дастлабки маҳсули ҳолос, — дейди ДПХБО илмий-тадқиқот лабораториясининг мудири Г. Коротева. — Лекин натижани ўзингиз кўриб турибсиз. Умуман олганда бу ишлаб чиқарувчилар ва олимлар ўртасида ҳамкорлик бўлиши нақадар зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам тошкентлик олимлар билан тузган шартнома миздан афсусланмаймиз. Унинг қўлами жуда кенг бўлиб, ишлаб чиқаришининг барча жараёнларини қамраб олади. Ўйлайманки, бу нафақат бизга, институт олимлари учун ҳам фойдали бўлади.

Дарҳақиқат, бирлашмада фақат олимларгина эмас, студентлар ҳам тажрибалар ўтказишмоқда, диплом ишларини шу ерда тайёрлашмоқда.

Ёрдам давом этмоқда

Зилзиладан зарар қўрган ва қуфлатда қолган тожик оилаларига шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларнинг ёрдами давом этмоқда.

Яқинда «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-филиалида ҳам зилзиладан талафот қўрган тожикистонлик биродарларимизга ёрдам беришга бағишланган йиғин бўлди. Унда бу ерда меҳнат қилаётган 800 ишчи ва хизматчи бир кунилик иш ҳақини 70030-сўёти орқали ёрдам фондига ўтказишга аҳд қилди. Шу кунгич ёрдам фондига 2,5 минг сўм пул ўтказилди. Бундан ташқари ишчилар Тожикистонга 200 дона кўрпа ҳам жўнатишди.

Аҳил коллектив Арманистондаги зилзиладан жафо чеккан оилаларга ҳам ёрдам сифатида бир кунилик иш ҳақини, 600 чопон ва 400 кўрпа жўнатган эди.

А. ҲАМДАМОВ.

А БУ Абдулло Рўдакий номидаги Тожикистон Давлат филармонияси қошида ташкил этилган «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти Жўрабек Муродов қўшиқларининг янграётганига ҳам чорак асрдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу фурсат ичида ҳофиз қўл ва ҳўб қўшиқлар айтди. У, одамлари қўшиқ айтиб дунёга келадиган ва қўшиқ айтиб дунё билан видолашадиган маъвода униб, улғайди. Қўшиқчилик санъати унинг учун шунчалик касб ёҳуд қўниғочлар эрмак эмас, отамерос туйғу, ҳал-ҳудудсиз хизмат бўлиб қолди. Ахир, «Янгиёв» юриб «Шашмақом»ни яратган Шарофнинг «Шоҳнома»ю «Хамса»си таъсирда янаган, сўзу созининг қадрига ета олган шундай бир зукко халқимизнинг эътиборини қозонишга фақат санъаткорона маҳорат, гўлдурак овоз, қоллаверса, зулуқсиз меҳнатнинг ўзи kifой қилмайди.

Қўшиқнинг васфи оғиздан-оғизга, авлоддан авлодга, қондан-қонга, шеърдан шеърга ўтиб бораверади.

Юрагиндан қонлар оқди ўтган замонда, Кўзингизда ёшлар бўлди дарё-дарё сел. Сенга толе қулиб боқди дорилмонда, Қанотингда ором олди бу меҳнаткаш эл. Сен оҳ бўлдинг, Паноҳ бўлдинг, Садрона бўлдинг, Дил захинга чора бўлдинг.

Бахт қўшигда одамзоднинг бошига кўндинг, Қанотингда ором олди бу меҳнаткаш эл.

Ҳоҳ кўйлдиридинг, Гоҳ қўйлдиридинг жон аро жўшиб, Бу кун эса дўст-ёронлар чорламоқда.

Кел, Гулгун арзу самоларда яйрайвер, Кўшиқ,

Тоғлар садоси

СССР халқ артисти Жўрабек МУРОДОВ портретига чизгилар.



Қанотингда ором олсин бу меҳнаткаш эл...

Агар йнгламоқдан, сиқтаноқдан, бўзламоқдан эриб битган юрак бор бўлса, у меннинг юрагиндир... Агар қўздан оққан ҳалқоб-ҳалқоб ёшларга фарқ бўлган манзил маъво бор бўлса, у меннинг манзилимдир... Она юрагиндан тўкилган бу янгилик дардчил, мусоффо каломларнинг қўшиқча айланган нидосини илк марта Кўхруд қишлоғининг кўм-кўк майсаларга, сермева дарактларига бурканган тоғу тошлари эшитди...

Тоғу тошлар аксу садо берди... Дунёдаги жами яхшиликни ушоққина вузудига жо айлаган онаизор юрагиндан қўйилган бу жоннисор нолани илк марта Кўхруд қишлоғининг шарақлаган сойлари, қизлар сочининг ўримидек тўлғониб оққан жилгалари, шаффоф, боқира дарёлари, соқини ва беваоз шамоллари эшитди...

Сойлар жило берди... Йнлгалар ранг бахш айлади... Дарёлар журъат ато этди... Шамоллар кенглик, барқарорлик инъом қилди...

Одам бөласини мардликка, зегуликка, сабру дёнатига сафарбар қилувчи бу ўтли хотобини илк марта Кўхруд қишлоғининг оёқлаган елиб-югурган болақайлари, қизалоқлари;

елқасида фақат тирикчилик ташвишини эмас, замину осмонни кўтаргудек эрқагу аёлларни;

юзу қўзларидан офтоб, ой, юлдуз ёруғлини порлаб турини дунёнинг ўткинчилигиндан эмас, боқийлигиндан хабар бериб турини кампирлари, чоллари эшитди...

Болақайлар, қизалоқлар завку шафқ берди... Эрқагу аёллар дард, қувонч берди... Чоллар, кампирлар оқ фотиха берди, ойдин йўл тилади...

Турсунтош ЖАББОВОВА.

Маданият янгиликлари

ҚОЗОҒИСТОНГА ДўСТЛИК БАЙРАМИГА Ўзбекистон халқ ижодий тикунлари қатнашчилари Чимкент областига йўл олдилар. Республика маданият министрлиги «СССР—умумий хонадонимиз» туркумда ўтказабтган «Дўстлик ва меҳнат тараққоли» байрамида қатнашиш учун энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективлари, Республика ва Бутуниттифоқ фольклор конкурсларининг лауреатлари у ерга жўнаб кетишди. Тошкентдаги «Нафосат» ансамбли ва Калинин районидаги «Ҳосил» ашула ва рақс ансамбли, цирк гурупулари ҳамда Тошкент областининг меҳнатчил турклар — Мақидовлар оилавий музикали коллектив, Сирдарё областининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Ёшлик» хореографик ансамбли, Успенский номили музика инвернат-мактабининг духовой оркестри қозғистонлик дўстларимиз ҳузурида ўз маворитларини намойиш этидилар. Ўзбекистондан борган меҳмонларни Ленин, Сайрам, Етисой, Саригоҳ, Пахтаворол районларида қабул қилишди.

— Ўзбекистон мўйқалам усталари асарларининг кўргазмалари ташкил этилади, ёзувчиларнинг китобхонлар билан учрашувлари бўлади, — деб хабар қилади УЗАГ муҳбири.

Чимкентдаги «Фосфорник» маданият саройида эса томошбинларга қардош республикалар бадиий коллективлари биргаликда тайёрлаган якулловчи концерт тақдим этилади.

ЕШ ХОНАНДИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Эстрада шинавандалари чимкентлик ёш хонанда Рустам Ғойипов ижросидаги қўшиқларини аввал фақат магнит ёзувларидагина билишарди. Унинг қўшиқлари самимийлиги, оҳанграбо музикаси ҳамда сермазун сўзлари билан томошбинлар қувонини ром этган эди. Маана энди чимкентлик хонанда ёшлик ўтган шаҳарга [у Тошкент маданият-оқартува теҳникумини битирган] илк бор гастролга келди. Хонанданинг концертлари ўтган марказий «Юбилей» спорт залига кириш учун билет топишмай қолди. Халқ орасида шухрат қозонган ижрочининг концертларига эликки мингга яқин томошбин тўшди. Унинг репертуридан замонавий ўзбек ва шарқдаги бошқа халқларнинг қўшиқлари ўрин олган эди. Концертда Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова шифроч эди, жозобали рақслари билан томошбинларни лол қолдирди.

— Рустам Ғойиповнинг ўзига хос самимий ижрокати услуби, маҳорати унинг муваффақиятини таъминлади, — дейди концерт режиссёри, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати А. Раҳимов.

— Хонанда Тошкентдаги концертлари туғатган республикамизнинг бошқа шаҳарларига ҳам боради, — деб хабар беради УЗАГ муҳбири.

АЖИБ ЛИБОСЛАР... Аёлларнинг ўтмишда тикилган кўйлақларига анор, бодом, товус патларининг тасвири туширилди. Самарқандда очилган Ўзбекистон халқларининг анъанавий либослари кўргазмасида худди ана шу нарсалар намойиш этилмоқда.

Республика маданияти ва санъати тарихини музабей залларига этнографлар яриш аср мобайнида тўплаган ноёб экспонатлар қўйилган. Музей фондларида сақланган бу коллекцияни эндиликда хоҳлаган кишиларнинг барчаси келиб кўриши мумкин.

Либосларнинг деврли ҳаммаси хонаки газлавлардан тикилган. Уларга турли ўсимликлардан тайёрлаган бўёқларда тасвир туширилган. Бу ерда эркакларнинг чопонлари ва хотин-қизларнинг мурсакларини, кимчалар, шойи ва ип-газламадан тикилган кўйлақларини кўриш мумкин. Стендаларга келин ва кўйларнинг, болалар ва қарияларнинг либослари ҳам қўйилган. Бу ерда Бухоро амри амалдорининг зар-дўзи салласи ҳам бор. Бу саллани тайёрлаш учун ўтмиш метрдан ортиқ доқа кетган. Дарвишларнинг кийимлари—чопон, чўқи қалпоқ ҳам намойиш этилляпти.

Бу кийим-кечаклар ёнига дарвишларнинг тумборлар, кадулар қўйилган. Сдатда дарвишлар кадуларини бўйинларига осиб юришар, чунинг ичига одамлар атаган садақларини ташлашарди. Бунинг ёнида Маккага эйбат қилган Сунинининг қўйлагини қўйилган. Унга диний маънодаги ҳикоятли сўзлар битилган. Кўргазмага Тошкент ҳар бир либос тикилган, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё музофотларининг ўзига хос ижталоқларини акс эттирди, — деб хабар беради УЗАГ муҳбири.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

1989 йил совғалари



Фрунзе савдо маркази, Марказий универсам магазин, Бош универсал магазин, «Шухрат» мактаб-магазини, «Ташкульторг», «Ташгалатерейторг», «Ташхотторг», иштирок этадилар. Мазкур савдо корхоналарининг рўйхати ҳам ярмаркада эркакларга мўлжалланган қанчадан қанча товарлар бўлишидан далолат беради. Чироили безатилган павильонлардан сиз совга термаларини сотиб олишингиз мумкин. Истагингизга биноан консултант-сотувчилар ўзингиз лозим топган буюмлардан совга термасини ясаб бера оладилар. Қўйлақлар, галстуклар, илматугмалар, электр устара, эсдалик буюмлари, сопол ва биллур буюмлар, атторлик ва ула-элик махсулотлари шулар жумласидандир. Марҳамат, ўзингизга маъқул бўлганини танлаб олинг. 23 февраль анъанага кўра эркакларнинг байрами ҳисобланади. Айнан уларни — Ватанимиз ҳимоячиларини шу кун бутун совет халқи шарафлайди. Шунинг учун шу кунларда хотин-қизларнинг фикр-хаёли совга танлашда. Ҳамманинг ёқимли, эсдалик бўлиб қоладиган бирор буюм совга қилгиси келади. Чунки совга яхши ният билан тортиқ этилади.



Эҳтимол, совгани бирор яширин маънони кўзда тутиб тортиқ этган маъқулдир? Масалан, спорт костюми. Бу спорт билан шугулланишга ўзига хос давбат бўлар. Фақат аёлларгина қандай пластик маъқул бўлишини, қандай музика қувонч бағишларини, костюмга мослаб қандай галстук харид қилишни яхши билишади. Меҳрибон она эса ўғлининг фотография билан шугулланиш истагини олдиндан билади. Эркакларни бу совғалар, албатта беарвоқ қолдирмайди. Чунки, совга эмас, эътибор азиз, деб бежиз айтишмайди. 23 февраль байрамининг «айбодлари»га эътибор, меҳр ва ҳурмат азиздир.

21 ФЕВРАЛДАН 10 МАРТГАЧА СОАТ 11 ДАН 17 ГАЧА Карл Маркс кўчасининг пидедаларга мўлжалланган қисмида ўтадиган

ШАҲАР САВДО ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

БАЙРАМОЛДИ ШАҲАР ЯРМАРКАСИНИ УТҚАЗАДИ

Ярмаркада «Тошкент» савдо фирмаси, «Таштекстильшвейторг», «Чилонзор» марказий универсал магазини.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ 21 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ К. МАРКС Кўчасининг ПИДЕДАЛАР ЮРИШ ҚИСМИДА АНА ШУНДАИ ШИОР ОСТИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бош бошқармаси.

Таклиф этиш биздан — танлаш сиздан

Умр йўлдошига ёни ўз отасига совга харид қилмаган, ишнинг кўзини билмаган ҳар бир уй бекаси албатта «бир ўк билан» икки қўбини нишонга олишга, яъни уларга ўз хурмат-эътиборини изҳор қилиш билан биго либосларнинг янги ШИМ, ҚУЙЛАК, ГАЛСТУК БИЛАН тўлдиришга ҳаракат қилади. Мабодо сиз уруш ветеранини шарафламоқчи бўлсангиз бирор эса қоладиган совга — ПАННО, НАҚШИН ТАСВИР, БИЛЛУР БУЮМ харид қилганингиз маъқул. Ака-укангизга, ёрингизга, фарзандиңизга ЭЛЕКТР УСТАРА, ИЛМАТУГМА, ГАЛСТУК совга қилишингиз мумкин. Албатта ЭЛЕКТР УСТАРА, ЛЕЗВИЕ, КЎПИРУВЧИ КРЕМДАН ташкил топган СОВҒАЛАР ТЕРМАСИНИ эса ҳар қандай эркакка совга қилса арзийди. Кимга нимани совга қилиш ўзингизга, сизнинг дидингиз ва имкониятиңизга боғлиқ. Энг муҳими — танланган совга эгасига қувонч бағишлаб, сизнинг ҳурмат-эътибориңизни билдирса бўлди. ГУМнинг адреси: Охунбобоев майдони. Иш вақти: соат 9.00 дан 20.00 гача, танаффуси йўқ. Магазин шу ойнинг охиригача дам олиш кунларисиз ишлайди. ГУМ (42-27-39).



«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси

1989 йил 22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРАЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАБ ТЕМАТИК ҲУЖАТЛИ ВА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОИШИНИ УТҚАЗАДИ ҲУЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР: «НУКУС» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН. «УЗССР 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — СУВОРОВЧИЛАР. «МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ЖАНГЧИ МИХАИЛ КОРОБОВ ҲИКОЯЛАРИ. «ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — БИЗ — ДЕНГИЗ ПИДЕДАЛАРИМИЗ. «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — «ТОШКЕНТ» ҒОЛИБ. «ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ТИНЧ ОКЕАНДАГИ МУЛОҚОТ. БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ЯККА СУЗИШ. «ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ҲУЖУМ. «ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — ОМОН ҚОЛИШГА ИНТИЛ. «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — СОМОН ЙЎЛИДАГИ УЧРАШУВ. «ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА 22-23 февралда — АКЦИЯ.



ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ СИЗЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗ ШАҲАРЛАРИ БУЙЛАБ

Саёҳатга таклиф қилади

КИЕВ, 1 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 335 сўм. РИГА-КАУНАС, 1 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 312 сўм. КАЛИНИНГРАД, 2 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 298 сўм. ВИЛЬНЮС—РИГА, 3 мартдан 12 мартгача. Баҳоси 304 сўм. КРАСНОГОРСК (Москва области), 3 мартдан 7 мартгача. Баҳоси — 213 сўм. КИСЛОВДСК, 4 мартдан 23 мартгача. Баҳоси — 317 сўм. ХИМКИ, 4 мартдан 8 мартгача. Баҳоси — 209 сўм. МОСКВА, 5 мартдан 9 мартгача, 13 мартдан 17 мартгача, 20 мартдан 24 мартгача. Баҳоси — 224 сўм. ЕРЕВАН, 5 мартдан 9 мартгача, 17 мартдан 21 мартгача. ДАУГАВСТИЛС, 5 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 260 сўм. КАЛИНИНГРАД-КАУНАС, 5 мартдан 14 мартгача. Баҳоси — 289 сўм. КАПСУКАС, 6 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 228 сўм. ВОЛГОГРАД, 6 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 195 сўм. ЮРМАЛА, 7 мартдан 12 мартгача; 16 мартдан 21 мартгача, 22 мартдан 27 мартгача. Баҳоси — 296 сўм. ДРУСКИНИНКАЙ, 8 мартдан 19 мартгача. Баҳоси — 305 сўм. РОСТОВ ВЕЛИКИЙ, 8 мартдан 12 мартгача. Баҳоси — 204 сўм. КРАСНОГОРСК, 11 мартдан 15 мартгача. Баҳоси — 213 сўм. ОДИНЦОВО (Москва области), 15 мартдан 19 мартгача. Баҳоси — 204 сўм. КАЛИНИНГРАД, 17 мартдан 21 мартгача. Баҳоси — 208 сўм. АНИКШЧАЙ, 18 мартдан 24 мартгача. Баҳоси — 274 сўм. ВИЛЬЯНДИ, 19 мартдан 23 мартгача. Баҳоси — 240 сўм. КАЛИНИНГРАД-ПАНЕВЕЖИС, 20 мартдан 1 апрелгача. ВЕНТСПИЛС-ДОБЕЛЕ, 31 мартдан 6 апрелгача. Баҳоси — 270 сўм. КЛАЙПЕДА-РОКИШИС, 27 мартдан 8 апрелгача, 13 мартдан 25 мартгача. Баҳоси — 373 сўм. ПАЛАНГА-ЛИЕПАЯ-РИГА, 31 мартдан 13 апрелгача. Баҳоси — 371 сўм. КАУНАС-МИНСК, 18 мартдан 28 мартгача. Баҳоси — 300 сўм. СЕВАСТОПОЛЬ, 6 мартдан 10 мартгача; 13 мартдан 17 мартгача. Баҳоси — 226 сўм. ДУШАНБА, 3 мартдан 5 мартгача; 17 мартдан 19 мартгача. Баҳоси — 73 сўм. ВИЛЬНЮС-РИГА-ТАЛЛИН, 21 мартдан 5 апрелгача. Баҳоси — 410 сўм. БРЕСТ-ВОРИСОВ, 5 мартдан 13 мартгача. Баҳоси — 307 сўм. ТАРТУ-КАУНАС, 6 мартдан 17 мартгача. Баҳоси — 323 сўм. КРЕМЕНЧУГ, 6 мартдан 10 мартгача. ЛАЗЕРЕВСКОЕ, 24 мартдан 13 апрелгача. СОЧИ 22 мартдан 1 апрелгача. Баҳоси — 288 сўм. СОЧИ («Деловые» туристлар меҳмонхонаси), 12 мартдан 1 апрелгача. Баҳоси — 885 сўм. ЗАГОРСК («Торбеево кўли» туристик бааси), 6 мартдан 10 мартгача. Баҳоси — 243 сўм. ТАЛЛИН, 5 мартдан 10 мартгача; 26 мартдан 31 мартгача. Баҳоси — 244 сўм. КАУНАС-СВЕТЛОГОРСК, 14 мартдан 23 мартгача. Баҳоси — 304 сўм. СОЛИГОРСК (Минск яқинида), 25 мартдан 29 мартгача. Баҳоси 260 сўм. ТБИЛИСИ («Интурист» туристлар меҳмонхонаси), 3 мартдан 7 мартгача, 12 мартдан 16 мартгача; 13 мартдан 17 мартгача. Баҳоси — 258 сўм. ДРАГОВИЧ, 2 мартдан 21 мартгача. Баҳоси — 383 сўм. КОСОВ («Верховина» туристик базаси), 23 мартдан 27 мартгача, 27 мартдан 31 мартгача. МИТИШЧИ (Москва области), 10 мартдан 14 мартгача, 24 мартдан 28 мартгача. Самолёт билан бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киряди. ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ — 1989 йил учун ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ ВА КАТТА МИҚДОРДАГИ 3 ва 5 Кўнлик (опуска дарида) йўл ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛДАН ЗА ҲА ҲА ИЧИГА ОЛМАГАН ПУТЕВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ — ЭНГ ҚУЛАЙ ИШ ФОРМАСИ САНАЛАДИ. ШАРТНОМА ПУЛ ҲИСОБ-КИТОВЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ, ЭНГ ЯХШИ ПУТЕВКАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА ИМТИЁЗ ЯРАТАДИ. Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11-алоҳа бўлими, Навоий кўчаси, 69-«а» уй (Метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-11-97.

«Беруний» чорлайди

ТАРКИБИГА «ТОШКЕНТ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИНИНГ «СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИ ҲАМ КИРУВЧИ ЯНГИ САВДО КОМПЛЕКСИ АНА ШУНДАИ НОМЛАНАДИ.



Янги магазин кенг ва маълум даражада шинам ҳамдир. Сатхи 1000 квадрат метрдан зиёд савдо майдонига ранг-баранг товарлар кенг ва тўлиқ кўргазмага қўйилган. Залнинг тежамли планлаштирилиши эса эркаклар ва хотин-қизлар кийим-кечакларини, трикотаж буюмларини, газламаларни алоҳида-алоҳида жойлаштириш имконини берган. Харидорлар ана шу товарларни бевосита кўздан кечиришлари мумкин, улар ўз-ўзига хизмат усулида реализация қилинади. Бирор нарса ни харид қилишда қийналиб қолсангиз консултант-сотувчилар сизга ёрдам беришади. Февраль — киш фаслининг охириги ойна. Кўпчилик ҳозирда баҳорги либослар ҳақида ўйлай бошлади. Янги «Совғалар» магазинига ташриф буюрсангиз мушкулнингиз осон бўлади. СПОРТ ВА КЛАССИК УСЛУБДАГИ ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИ НИХОЯТДА СИФАТЛИ ТИКЛАНЛИГИ, ХУШБИЧМЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. Уларнинг нархи 120 сўм.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КОСТЮМЛАРИ, ҚУЙЛАКЛАРИ НИХОЯТДА КўРКАМ ВА ЖОЗИБАЛИ, ҲОЗИРГИ МОДА ЙўНАЛИШЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ. ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРНИ айниқса болалар ва эркаклар, хотин-қизлар маъқул кўришади. Уларнинг қўлайлиги, пишиқ-пухталигини ҳамма эътироф этади. ТРИКОТАЖ КОСТЮМЛАР, СВИТЕРЛАР, ПҶЛОВЕРЛАР, ЮБКА ВА ЖАКЕТЛАР баҳорги либосларнинг қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Ҳамма кўришлари маъқул кўрувчилар учун магазинда кенг асортиментда турли-туман газламалар бор: КРЕПДЕШИН, ШОИИ, ХОНАТЛАС, ИП-АЗЛАМАЛАР шулар жумласидандир. Магазинда, шунингдек турли-туман атторлик моллари, ула-эликлар бор. «СОВҒАЛАР» магазини соат 10 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олш кунни — душанба.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КўРГАЗМАСИДА

24 ФЕВРАЛДА

Кимошди савдоси ўтказилади Ўзбекистон ССР «ГОССНАВИ»НИНГ РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ КИМОШДИ САВДОСИГА

турли қурилиш материаллари, кенг асортиментдаги мебеллар, чини буюмлар, рангли телевизорлар ва кўпгина бошқа янхозларни


ТАҚДИМ ЭТАДИ КИМОШДИ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ХАРИДОРЛАР — корхоналар (кооперативлар)нинг вакиллари савдо шартномалари тузиш ҳуқуқини берувчи ишонч қорозини ўз ёнларида олиб келишлари зарур. Кимошди савдоси 2-павильонда соат 11.00 да бошла-нади. Справкалар учун телефонлар: 41-16-60, 41-25-71, 41-11-20, 41-30-93.

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идорасининг 17-ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ (ЎзССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй) ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ТОМЛАРИНИ БЕРИШ ҲАҚИДА

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ


М. АЛЕКСЕЕВ, 3-том. И. БУНИН, 6-том. Э. БАЗЕН, 4-том. ҲАЖОН ХАЛҚЛАРИ АФСОНАЛАРИ, 2-том. Р. ОЛДИНГТОН, 1, 2-том. Ж. ОСТЕН, 1-том. Л. ОВАЛОВ, 3-том. В. ПОПОВ, 3-том. ЖАХОН САНЪАТИ ЕДГОРЛИКЛАРИ, 2-том. ЖАХОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭРТАКЛАРИ, 4-том. С. СОЛОВЬЕВ, 2-том. Л. ФЕИХТВАНГЕР, 1, 2-том. ШОЛОМ-АЛЕХЕМ, 1, 2-том. ҚУЙИДАГИЛАР ЭРКИН САВДОГА ЧИҚАРИЛГАН: «БУ КИМ? БУ НИМА?» — 3 томлик. Баҳоси 16 сўм 40 тийин. ЗУЛФИЯ (Ўзбек тилида) — 3 томлик. Баҳоси — 6 сўм 10 тийин. РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ — 2 томлик. Баҳоси — 24 сўм 10 тийин. ИНГЛИЗЧА-РУСЧА ЛУҒАТ — 2 томлик. Баҳоси — 35 сўм 80 тийин. АФРИКА. Энциклопедия. 2 томлик. Баҳоси — 26 сўм 30 тийин. К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС. Асарлар тўплами. 10 томлик. Баҳоси — 14 сўм 80 тийин. В. И. ЛЕНИН. Асарлар тўплами. 10 томлик. Баҳоси — 14 сўм 80 тийин. В. МАЯКОВСКИЙ. 2 томлик. Баҳоси — 7 сўм 30 тийин. К. ВАНШЕНКИН. 3 томлик. Баҳоси — 7 сўм 20 тийин. М. КАРИМ, 3 томлик. Баҳоси — 6 сўм 80 тийин. ОИБЕК, 5 томлик. Баҳоси — 8 сўм 80 тийин. А. С. ПУШКИН. 2, 3-томлар. Баҳоси — 5 сўм 10 тийин. Справкалар учун телефон: 44-57-41.



НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да Зебунисо.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да Ҳизрати аёл.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИК ТЕАТРИДА — 22/II да Рожа.



21 ФЕВРАЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Санъат саройи — «ЯЛҚОВ» (катта зал, 18.30, 20.40). «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (кичик зал, 17, 19.30). Чайка — «ТУРТ ОҒАНИ» (21.00); «АВФ ЭТИЛГА БЕРИЛГАН ИЗОХ» (18.30). Ватан — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 20.45). Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЖИНОЯТЧИЛАР УОШ-МАСИ» (18, 20, 21.30). Қозоғистон — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 19, 20.00). Восток — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 20.40). ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЕШ ИГИТЛАР ШАҲАРДА» (хуфт соатларда). Лисувов номли — «ИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОҒАТ» (17, 21.00). Нукус — «ҚОНУНДАГИ УҒ-РИЛАР» (17, 19, 21.00). Дўжба — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (17, 18, 20, 20.30).

22 ФЕВРАЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Санъат саройи — «ЯЛҚОВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40). «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30). Чайка — «ТУРТ ОҒАНИ» (11, 16, 21.00); «АВФ ЭТИЛГА БЕРИЛГАН ИЗОХ» (13.30, 18.30). Ватан — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45). Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЖИНОЯТЧИЛАР УОШ-МАСИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30). Қозоғистон — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 12, 13.30, 16, 17, 19, 20.00). Восток — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40). ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТУРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» (хуфт соатларда). Лисувов номли — «ИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОҒАТ» (11, 13, 15, 17, 21.00). Нукус — «ҚОНУНДАГИ УҒ-РИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00). Дўжба — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.30).

Реклама ва эълонлар

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетини наشريётининг Меҳнат Қизил Вайроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; эконоимика ва шаҳар ҳунари — 32-54-18; социал проблемалар — 32-55-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; илмаччилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-56, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар қилваси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбадан ҳар кун чийди, Тиражи — 126.670